

12-10-2019

## EDUCATIONAL AND PSYCHOLOGICAL FACTORS OF SOCIAL AND EMOTIONAL SKILLS

Mehribon Rahimova

*PhD student of Namangan State University*

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

---

### Recommended Citation

Rahimova, Mehribon (2019) "EDUCATIONAL AND PSYCHOLOGICAL FACTORS OF SOCIAL AND EMOTIONAL SKILLS," *Scientific Bulletin of Namangan State University*. Vol. 1 : Iss. 12 , Article 62. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol1/iss12/62>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [sh.erkinov@edu.uz](mailto:sh.erkinov@edu.uz).

---

## EDUCATIONAL AND PSYCHOLOGICAL FACTORS OF SOCIAL AND EMOTIONAL SKILLS

**Cover Page Footnote**

???????

**Erratum**

???????

ISSN:2181-0427

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ИЛМИЙ АХБОРОТНОМАСИ**

**НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО  
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА**



**2019 йил 12 сон**

## **ИЖТИМОЙ-ЭМОЦИОНАЛ КЎНИКМАЛАР ШАКЛЛАНИШИНИНГ ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК ОМИЛЛАРИ**

Раҳимова Меҳрибон Абдухолисовна  
Наманган давлат университети докторанти

*Аннотация:* Ушбу мақолада муаллиф ёш даври ривожланишида ўзига хос бой имкониятларга эгаллиги, боланинг мактабга бориши унинг психологик ривожланиши ва шахсининг шаклланишидаги ўрни, мактабга келиш арафасида ва ундан сўнг боланинг сўз бойлиги, ёзма нутқи, ўқувчиларда ижтимоий йўналганлик фаолияти шаклланиши натижада улар мустақил, эркин фикрлаш, объектив борлиқни идрок этиши ва зарур қарорлар қабул қилишга муваффақ бўлишлари ҳақида сўз юритилади.

Муаллифнинг фикрича, ўқувчиларда ижтимоий-эмоционал кўникмаларни шакллантиришида психик жараёнларнинг иккита ўзаро қарама-қарши қисмларини ажратиб кўрсатиш мумкин: улар билимлар ва кўникмалар, интеллектуал ва аффектив қисмлар.

*Таянч сўз ва иборалар:* идрок, хаёл, хотира, тафаккур, ўқув фаолияти, ўзаро кўникма, ўзини-ўзи бошқариш кўникмаси, сўз бойлиги, ёзма нутқ, мустақил фикрлаш, шахс қадриятлари, ижтимоий-эмоционал кўникмалар.

## **ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ И ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ФАКТОРЫ ФОРМИРОВАНИЯ СОЦИАЛЬНО-ЭМОЦИОНАЛЬНЫХ УМЕНИЙ**

Рахимова Меҳрибон Абдухолисовна  
Докторант Наманганского государственного университет

*Аннотация:* В данной статье автор говорит об уровне подготовленности дошкольников к школе, об уникальном потенциале развития учащихся начальных классов, их психологическом развитии и индивидуальных способностях: свободно мыслить, объективно воспринимать окружающую действительность, понимать и принимать правильные решения.

По мнению автора, можно выделить две противоположные части психических процессов при формировании социальных и эмоциональных навыков у учащихся начальных классов: это знания и навыки, интеллектуальная и аффективная части.

*Опорные слова и понятия:* Познание, воображение, память, мышление, учебная деятельность, навыки межличностного общения, навыки самоконтроля, словарный запас, письменная речь, самостоятельное мышление, личностные ценности, социальные и эмоциональные навыки.

## **EDUCATIONAL AND PSYCHOLOGICAL FACTORS OF SOCIAL AND EMOTIONAL SKILLS**

Rahimova Mehribon  
PhD student of Namangan State University

**Abstract.** *In this article, the author asserts that young people have unique opportunities for development, their child's attendance in school, their role in psychological development and personality, their vocabulary, written speech, and social orientation in students before and after school. they are able to understand and make the right decisions.*

*According to the author, it is possible to distinguish two opposing parts of mental processes in the formation of social and emotional skills in students: they are knowledge and skills, intellectual and affective parts.*

**Key words and phrases:** *Cognition, imagination, memory, thinking, learning activities, interpersonal skills, self-management skills, vocabulary, oral speech, independent thinking, personality values, social and emotional skills.*

Л.С.Выготский айтиб ўтганидек, кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда ижтимоий-эмоционал кўникмаларга киришиш маданиятини шакллантиришга оид тадқиқотлар мазкур ҳодисани ривожлантириш учун алоҳида аҳамиятга эга. Бу психик жараён 7 ёшдан 10 ёшгача бўлган ўқувчиларнинг ўқув-тарбия фаолиятларини қамраб олади. Умумий ўрта таълим мактабларининг бошланғич синфларида амалга ошириладиган педагогик жараённи мазкур мақсадга йўналтириш ўқувчиларни ақлий жиҳатдан ривожлантиришда ўзига хос аҳамият касб этади.[1] Мазкур даврнинг ўзига хос жиҳати шундаки, бу ёшда болалар ўқувчи мақомига эга бўладилар. Бу ўзига хос ўтиш даври ҳисобланиб, ўқувчилар ўз фаолиятларида мактабгача таълим давридаги ҳаракатлар билан ўқув фаолиятига хос ҳаракатларни мужассамлаштирадилар. Мазкур сифатлар ўқувчиларнинг хатти-ҳаракатлари ва онгида мураккаб ҳамда қарама-қарши ҳолатларни уйғунлаштиради. Ҳар қандай ўтиш даврида бўлгани каби ушбу ёш даври ҳам ривожланишда ўзига хос бой имкониятларга эга. Мазкур имкониятларни ўқитувчи ўз вақтида илғаши ва қўллаб-қувватлаши лозим. Уларнинг руҳияти билим олишга етадиган даражада ривожланади. Шу ёшдаги болалар идрокининг ўткирлиги, равшанлиги, софлиги, аниқлиги, ўзининг қизиқувчанлиги, ишонувчанлиги, хаёлининг ёрқинлиги, хотирасининг кучлилиги, тафаккурининг яққоллиги билан бошқа ёшдаги болалардан ажралиб туради.

Кичик мактаб ёшидаги болаларнинг асосий фаолияти ўқиш ҳисобланади. Боланинг мактабга бориши унинг психологик ривожланиши ва шахсининг шаклланишидаги ўрни ниҳоятда катта. Бола ўқув фаолиятида ўқитувчи раҳбарлигида инсон фаолиятининг турли шакллари мазмунини ўзлаштиради ва ўрнатилган ахлоқий меъёрлар доирасида ҳаракат қилади. Ўқув фаолиятида бола ўз иродасини ўқув мақсадларига эришиш учун машқ қилдиради. Ўқув фаолияти боладан нутқ, диққат, хотира, тасаввур ва тафаккури зарур даражада ривожланишини талаб этган ҳолда, бола шахси ривожланиши учун янги шароитларни яратади. Биринчи бор мактабга келган бола ўз атрофидагилар билан психологик жиҳатдан янги кўникма тизимига ўтади. У ҳаётининг тубдан ўзгарганлиги, унга янги мажбуриятлар, нафақат ҳар куни мактабга бориш, балки ўқув фаолияти талабларига бўйсунуш ҳам юклатилганлигини ҳис эта бошлайди.

Оила аъзоларининг бола ўқув фаолияти, ютуқлари билан қизиқаётганлиги, шунингдек, уни назорат қилаётганлиги, унга қилинаётган янги муомала, кўникма унинг ижтимоий мавқеи ўзгарганлигини тўла ҳис этиши, ўзига нисбатан кўникмаининг ўзгаришига асос бўлади. Катталар болани амалий жиҳатдан ўз вақтини тўғри тақсимлаш борасида яхши ўқиш, ўйнаш, сайр қилиш ва бошқа нарсалар билан шуғулланишга ўргатадилар. Демак, оилада бола у билан ҳисоблашадиган, маслаҳатлашадиган янги бир ўринни эгаллайди, ўқувчининг мактабдаги муваффақияти унинг кейинги руҳий ривожланиши ва шахсининг шаклланишида тўлиқ ижобий асос бўлади.

Бола инсоний муносабатлар тизимида ҳам алоҳида ўрин эгаллаётганлигини, ота-онаси, яқинлари, атрофдагилари унга ёш боладек эмас, балки ўз вазифалари, мажбуриятлари бор бўлган, ўз фаолият натижасига кўра хурматга лойиқ алоҳида шахс сифатида кўникмада бўлаётганликларини ҳис эта бошлайди. Бунинг натижасида бола ўз-ўзидан оиласи ва жамоасида ўз ўрни борлигини англай бошлайди. Бу даврда боланинг «Мен шуни хоҳлайман» майлидан «Мен шуни бажаришим керак» хоҳиши устунлик қила бошлайди. Мактабда биринчи синфга келган ҳар бир ўқувчида руҳий зўриқиш ҳосил бўлади. Бу нафақат унинг жисмоний саломатлигида, балки хатти-ҳаракатида ҳам кўрқувнинг кучайиши, иродавий фаолликнинг сусайишида намоён бўлади.

Бу даврга келиб бола атрофидагилар билан ўзаро кўникмада маълум бир натижаларга эришган, ўзи хоҳлаётган нарсаларни ҳамда ўз оиласида ўзи эгаллаган ўрнини аниқ билладиган бўлади. Шунингдек, у ўзини-ўзи бошқариш кўникмасига эга бўлади, вазият ва ҳолатга қараб иш юрита олади.

Мактабга келиш арафасида боланинг сўз бойлиги ўз фикрини баён эта оладиган даражада ортади. Агар бу ёшда меъёрида ривожланаётган бола ўз нутқда 500–600 сўзни ишлатса, олти ёшли бола 3000–7000 сўзни ишлатади. Бошланғич синф ўқувчиларининг нутқи асосан от, феъл, сифат, сон ва боғловчилардан иборат бўлиб, ўз нутқларида қайси сўзларни ишлатгани афзал-у, қайсиларини ишлатиш мумкин эмаслигини фарқлайди. 6–7 ёшли бола ўз жумлаларини мураккаб грамматик таркиб асосида туза олади. Бола бутун болалик даврида нутқни жадал равишда эгаллаб, уни ўзлаштиради. 7–9 ёшли бола нутқда ўз фикрини баён этибгина қолмай, балки суҳбатдошининг диққатини ўзига жалб қила олади.

Бу даврда ёзма нутқ ҳам шакллана бошлайди. Бола сўзларни қандай эшитган бўлса, шундайлигича ёзилмаслигини билиши, уларни тўғри талаффуз этишга ва ёзишга ўрганиши зарур. Ёзма нутқни эгаллаши асосида болада турли матнлар ҳақида маълумотлар юзага келади. Бу даврда ёзма нутқ эндигина шакллана бошлаганлиги боис, болада ҳали ўзи ёзган фикрларни, сўз ва ҳарфларни назорат этиш кўникмаси етарлича ривожланмаган бўлади.

Б.Ходжаевнингнинг фикрича, ўқувчиларда тафаккурни дидактик таъминот воситасида ривожлантириш самарали натижаларга олиб келади. Шу билан бир қаторда, унга ижод қилиш имкониятини ҳам берилади.[2] Мустақил ижодий ишлар бошланғич синф ўқувчиларида берилган мавзунини англаш, унинг мазмунини аниқлаш, фикрини баён этиш учун маълумот тўплаш, муҳим жиҳатларини ажратиб

олиш, уни маълум кетма-кетликда амалга ошириш, режа тузиш кўникмасини ҳосил қилади. Жумлаларни тўғри тузиш, айнан шу мазмунга мос сўзларни топиш ва уларни тўғри ёзиш, тиниш белгиларини тўғри қўйиш, ўз ҳолатларини топа олиш ва тўғрилаш ақлий ривожланишнинг кўрсаткичларидан ҳисобланади.

Ўқиш фаолияти кичик ёшдаги мактаб ўқувчисининг ақл-идроки, сезгирлиги, кузатувчанлиги, эслаб қолиш ва эсга тушириш имкониятларининг ривожланиши учун муҳим шарт-шароитлар яратади, ҳисоблаш малакаларини шакллантиради. Таълим жараёнида унинг билимлар кўлами, қизиқишлари кенгаяди, ижодий изланиш қобилияти ривожланади, унда тафаккурнинг фаоллиги, мустақиллиги ортади, ақлий имкониятини ишга солиш вужудга келади. Мазкур ёшдаги бола ўз идрокларининг аниқлиги, раволиги, ўткирлиги билан бошқа ёшдаги инсонлардан кескин фарқ қилади. У ҳар бир нарсага берилиб, ўта синчковлик билан қараши сабабли идрокнинг муҳим хусусиятларини ўзлаштириш имкониятига эга бўлади.

7–10 ёшдаги ўқувчининг идроки унинг хатти-ҳаракати, ўйини ва меҳнат фаолияти билан бевосита боғлиқ, у ўзининг эҳтиёжи, майли, қизиқиш ва интилиши, турмуш шароитига мос, шунингдек, ўқитувчи тавсия этган нарсаларни идрок қилади.

Биринчи синфга келган бола нарсаларнинг ранги, шакли ва катталигини, уларнинг маконда жойлашишини билиш билан бир қаторда ўзаро таққослай ҳам олади. Мактабда муваффақиятли ўқиш учун болада сенсор ривожланиш даражасининг юқори бўлиши жуда муҳим. Мактаб ёшига келиб, меъёрида ривожланаётган бола расм ва суратлар реал ҳаётни акс эттираётганлигини яхши тушунади. Шунинг учун ҳам сурат ва расмларда нималар акс этганини реал ҳаётга таққослаган ҳолда билишга ҳаракат қилади. Бола расмларда атроф-муҳитдаги нарсаларни кичиклаштириб тасвирланганлигини англай билади. Бу тасвирлар болада эстетик ва бадиий дидни ривожлантиради. Чунки, бола шу расмлар орқали олам гўзаллигини, унинг турфа ранглardan иборат эканлигини англайди, ажратади ва ўз кўникмаини билдира олади.

Тафаккурнинг ривожланишини болаларнинг руҳиятининг соғломлигида, билиш фаоллигида кўриш мумкин. Боланинг қизиқувчанлиги, асосан, атроф-оламни билиш, ўрганишга қаратилгандир. Бола ўйнаб туриб, олам сир-синоатларидан хабардор бўлишга интилади. Масалан, бола ўзи мустақил равишда қандай нарсалар сувда чўкиши, қайсилари эса сузишини тадқиқ қила олади. Бола ақлий кўникмаларда фаол бўлса, у шунчалик кўп савол беради ва бу саволлар, асосан, хилма-хил бўлади. Болани қор, ёмғир қандай ёғиши, қуёш кечаси қаерда бўлиши, машина қандай қилиб юриши, ердан осмонгача бўлган масофа қанчалиги жуда қизиқтиради. Бу ёшдаги бола асосан ўзи кўриб турган нарса ҳақида чуқурроқ фикр юрита олади, унда ифодали тафаккур ривожланади.

Боланинг мактабда мунтазам равишда ўқишга ўтиши унинг атроф-муҳитдаги нарса-ҳодисаларга нисбатан кўникмаларнинг ўзгаришига олиб келади. Кичик ёшдаги мактаб ўқувчисининг тафаккури мантиқий фикрлаш, мулоҳаза юритиш, ҳукм ва ҳулоса чиқариш, таққослаш, таҳлил қилишнинг турли усуллари кўллашдек ўзига хос хусусиятлари билан мактабгача ёшдаги болалар ҳамда

ўсмирлардан фарқ қилади. Таълим жараёнида кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларини мустақил фикрлашга ўргатиш уларни камол топтиришнинг муҳим шартидир.

Кичик мактаб ёшида ўқувчиларда ахлоқий хулқ-атвор асослари шаклланади. Бунинг натижасида улар маънавий меъёрлар, хулқ-атвор қоидаларини ўзлаштирадилар. Шу асосда ўқувчиларда ижтимоий йўналганлик фаолияти шакллана бошлайди. Бу эса ўқувчиларда шахс сифатида индивидуал хусусиятларнинг шаклланишига асос бўлади. Натижада улар мустақил, эркин фикрлаш, объектив борлиқни идрок этиш ва зарур қарорлар қабул қилишга муваффақ бўладилар.

Мазкур қадриятларни ўқувчилар таълим жараёнида ўзлаштирадилар. Ижтимоий-эмоционал кўникмаларнинг қадриятли-фикрий жиҳатлари бошланғич синф ўқувчилари ҳаёти ва фаолиятининг барча қирраларида вужудга келади. Бунинг натижасида улар ўзларини мунтазам тарзда намоён қилиб ҳаётий фаолиятларининг субъекти сифатида ҳаракатланадилар. Бу эса ўқувчиларга уйғун тарзда яхлит ривожланиш имконини беради.

Бошланғич синф ўқувчилари интеллектуал соҳасининг ўзига хос жиҳати унинг жадаллигидадир. Бироқ, бу даврда психик жараёнларнинг бир текисда ривожланмаслиги кузатилади. Бошланғич таълим ёшидаги ўқувчилар ўзлари кузатган воқелиқни ҳали тўлақонли тарзда таҳлил қилиш кўникмасига эга эмаслар. Улар ўзлари идрок этган нарсалар, буюмлар ва ҳолатлардаги асосий нуқтани ҳар доим ҳам ажрата олмайдилар. Бу даврда ўқувчиларнинг тафаккури кўргазмали-образли фикрлашдан аниқ, тушунчавий, илмий назарий фикрлашга ўтади. Шунингдек, уларнинг тасавурлари ҳам мунтазам тарзда ривожланади ва такомиллашади. Шунинг учун ҳам ижтимоий-эмоционал кўникмаларнинг жараёни жиҳати бошланғич синф ўқувчиларининг ақлий лаёқатларини рўёбга чиқариш имконини беради. Мазкур жараёнда алоҳида психик вазифалар ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари билан боғлиқ ҳолда намоён бўлади.

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларга давомли, барқарор, қувончли ва кўтаринки кайфият хосдир. Бу ҳиссий ҳолат шахс ҳаётининг ёшга кўра меъёри ҳисобланади. Бироқ баъзи ўқувчиларда салбий аффектив, яъни ташқи ёки ички таъсирлар туфайли руҳий ҳаяжон, эҳтиросларга берилиш ҳолати кузатилади. Бундай ҳолатлар ўқув фаолияти натижалари билан бевосита боғлиқ.

Изланишларнинг натижалари шуни кўрсатмоқдаки, 7 ёшли ўқувчилар аксарият ҳолларда кўрқувни ҳис этмайдилар. Ҳис-туйғуларни тушуниш ва идрок этишдаги номукаммаллик ташқи томондан катталарнинг ҳис-туйғуларни ифодалашларини талаб қилади. Шу тариқа, аксарият ҳолларда мулоқотдаги ижобий ҳамда салбий ҳолатлар ўқувчиларга ўтади. Натижада кичик мактаб ёшида таълим-тарбия таъсирида ўқувчиларнинг руҳий ривожланишларида жиддий силжишлар вужудга келади. Мазкур ривожланишнинг ҳиссий-аффектив жиҳатлари ўз-ўзини бошқариш жараёнини мунтазам, изчил тарзда ривожлантиришга интилишни таъинлайди. Шу асосда ўқувчиларнинг ижтимоий хулқ-атворлари ва ижтимоий-эмоционал кўникмаларда барқарорлик таркиб топади.



Бошланғич синф ўқувчиларида ижтимоий-эмоционал муносабатлар таркибий қисмларининг муваффақиятли фаолият кўрсатиши натижасида ўзаро барқарор кўникмалар шаклланади. Бу эса қуйидагиларда намоён бўлади. Бошланғич синф ўқувчиларида ижтимоий-эмоционал кўникмалар шаклланишининг педагогик-психологик омиллари ўзида онг, кўникмалар ва ҳуққ-атворни мужассамлаштиради. Ўқувчининг шахс ва ўзига хос субъект сифатида шаклланиш жараёни қадриятли-фикрий жиҳатнинг фаоллашувига олиб келади. Бу эса ўз навбатида ўқувчи амалий фаолиятининг барча жиҳатлари, ижтимоий маънавий ҳаётида намоён бўлади. Бу ўринда ўқувчи ўз фаолиятининг субъекти сифатида ҳаракатланади.

Ижтимоий-эмоционал кўникмаларнинг ўзига хос вазифалари ташхислаш параметрлари ёрдамида амалга оширилиб, диалогга асосланган кўникмаларнинг шакланганлик даражасини белгилаб беради. Бунда ўқувчи амалий фаолиятининг барча жиҳатлари унинг ижтимоий-маънавий ҳаётида намоён бўлади. Бу ўринда ўқувчи ўз фаолиятининг субъекти сифатида ҳаракатланади. Уни кучли омил сифатида алоҳида кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Чунки у кичик мактаб ёшидаги ўқувчи онгининг йўналганлиги билан боғлиқ. Бундай йўналганлик кўникмалар ва малакаларнинг жадал эгалланишини таъминлайди

Биз бошланғич синф ўқувчиларида шакллантириладиган ижтимоий-эмоционал кўникмаларнинг динамик характерга эга эканлигини эътироф этамиз. Бошланғич синф ўқувчилари ижтимоий-эмоционал кўникмалар даражаси ҳамда ривожланиш манбаларини ажратиш унинг шаклланишга имкон берадиган модел қурилишини таҳлил қилишга асос яратади. Бу эса ижтимоий-эмоционал кўникмаларнинг шакланганлик даражасини ташхислаш, педагогик прогнозлаш ва педагогик фаолият мақсадларини аниқлашга кўмаклашади.

Бизнинг изланишларимиз доирасида бошланғич синф ўқувчиларида ижтимоий-эмоционал кўникмаларни шакллантириш босқичларини аниқлаш алоҳида аҳамиятга эга. Бу жараёнда ўқувчиларда ижтимоий-эмоционал кўникмаларни шакллантиришнинг учта ўзаро алоқадор, тадрижий асосда ривожланиб боровчи босқичларини ажратиш кўрсатиш мумкин. Улар фикр, нуқтаи назар ва ишонч. Уларнинг мазмунини очиш жараёнида биз мавжуд назарий ёндашуларга таяндик. Ўқувчиларда ижтимоий-эмоционал кўникмаларни шакллантиришда психик жараёнларнинг иккита ўзаро қарама-қарши қисмларини ажратиш кўрсатиш мумкин. Улар билимлар ва кўникмалар, интеллектуал ва аффектив қисмлар. Мазкур бирликнинг натижасини ўзаро мувофиқ келадиган фаолиятнинг характерида кўриш мумкин.

#### **References:**

1. Vigotskiy L.S. Sobranie sochineniy v 6-ti tomax / L.S. Vigotskiy// T. 4. Detskaya psixologiya. Pod red. D.B. Elkonina. –M.; 1984, 265 s.
2. Xodjaev B.X. Umumta'lim maktabi o'quvchilarida tarixiy tafakkurni modernizatsiyalashgan didaktik ta'minot vositasida rivojlantirish: ped.fan.dok. ...diss.–T., 2016.–314 b.

**МУНДАРИЖА**

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ**

**01.00.00**

**ФИЗИКО-МАТЕМАТИЧЕСКИЕ НАУКИ**

**PHYSICAL AND MATHEMATICAL SCIENCES**

- 1 Visual c# da razryadli operatsiyalar.  
Temirov O.M..... 3
- 2 Java dasturlash tilida abstrakt sinflar  
Holmirzayev H.E..... 6
- 3 Ўнг томони номаълум ва коэффициенти узулишга эга бўлган биринчи тартибли  
чизиқли оддий дифференциал тенглама учун масалалар  
Тиллабаева Г.И..... 10
- 4 Matematika darslarida muammoli ta'lim  
Alixanov O.O..... 15
- 5 О некоторых задачах теории одномерной бифуркации  
Тухтасинов М,Кушақов Х.Ш ..... 20

**КИМЁ ФАНЛАРИ**

**02.00.00**

**ХИМИЧЕСКИЕ НАУКИ**

**CHEMICAL SCIENCES**

- 6 Карбоксиметилцеллюлоза: олиниши, айрим физик – кимёвий хоссалари,  
ишлатилиши (обзор)  
Сайпиев Т.С..... 27
- 7 N-vinilpirrolidon asosida suvda eruvchan sopolimerlar sintez qilish va ular  
makromolekulalarining kompozitsion tuzilishini o'rganish  
Toshmatov Y.R., Dexqonov R.S.,Boydedayev. A.A..... 39

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ**

**03.00.00**

**БИОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ**

**BIOLOGICAL SCIENCES**

- 8 Far1 Related Sequence (FRS) генлар оилас ининг вакили frs10 генни g.hirsutum  
туридаги функсиясини рнки технологияси ёрдамида ўрганиш.  
Усманов Д.Э, Буриев З.Т, Абдукаримов Ш.С, Собиров Б.М, Мухторов А. Т..... 46
- 9 Кўхитанг тизмаси флораси таркибидаги ziziphora l. туркуми турларининг  
биоэкологияси  
Ибрагимов А.Ж,Батошов А.Р,Каримов Б.А,Мирзаев С.И ..... 50

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ**

**05.00.00**

**ТЕХНИЧЕСКИЕ НАУКИ**

**TECHNICAL SCIENCES**

- 10 Интернет самарали коммуникация канали сифатида  
Бекназаров К.Т..... 54

**ТАРИХ ФАНЛАРИ**

**07.00.00**

**ИСТОРИЧЕСКИЕ НАУКИ**

**HISTORICAL SCIENCES**

11	XX asrning 60-80-yillarida namangan viloyati xalq ta'limi tizimi: muammolar va yutuqlar Mamasaidov L. P.....	60
	<b>ФАЛСАФА ФАНЛАРИ</b>	
	<b>09.00.00 ФИЛОСОФКИЕ НАУКИ</b>	
	<b>PHILOSOPHICAL SCIENCES</b>	
12	Tarixiy taraqqiyotda ayollarning o'rnini Mamatov O.V.....	64
13	Миллий байрамларда санъат турларининг ифодаси Шадиметова Г.М .....	67
14	Замонавий санъатларда янги эстетик мезонларнинг вужудга келиши Кадирова Д.С.....	72
15	Мақом куйларининг фалсафий-эстетик моҳияти Нуруллаева З.С.....	78
16	Ахборот медиамаданияти трансформацияси ва глобаллашуви Кодиров Н.М.....	83
17	Ренессанс даври мутафаккирлари оилавий муносабатларда поклик ва гўзаллик ҳақида Хандамова М.....	93
18	Полифункционаллик халқ қабулхоналарининг ўзига хос хусусияти сифатида Айтбоев М.Ю.....	99
19	Оиланинг жамиятдаги роли ва ижтимоий функциялари Абдуллаева Н.....	103
20	Инновация фалсафасининг ижтимоий функционал хусусиятлари Ходжаев С.Б.....	108
21	Боҳарзий ва унинг вақф ерлари Норова М.Ф .....	113
22	Туркистон “Янги усул” мактабларида таълим жараёнининг ташкил этилиши ва ундаги гендер муаммолари Намазова Ю.М.....	121
23	Аҳмад Заки Валидийнинг тарих фалсафаси Хужаев М.И.....	126
	<b>ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ</b>	
	<b>10.00.00 ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ</b>	
	<b>PHILOLOGICAL SCIENCES</b>	
24	The Role of stylistics in linguistics and literature Umrzaqov I. I.....	133
	Девону Луғотит Турк” асарида қўлланган шахс номлари гуруҳига оид	
25	лексемаларнинг семантик хусусиятлари Розикова Г.З.....	136
26	О‘zbek tiliga o‘zlashgan arabcha leksemalar va ularning badiiy asarlarda qo‘llanilishi Rahmatullayev.Y.....	142
27	Замонавий таълим тизимида касбий компетентликни модуллаштиришмоҳияти	

Абдиева С.М.....	146
28 Qo'shma gaplarda shakl va mazmun Ahmedova N.Sh.....	151
29 Краткий обзор по историю изучения терминов родства в узбекских и английских языках Каримова В.....	156
30 O'zbek adabiy tili uslublarining shakllanishi Vabaxanova D.A.....	163
31 Йўл мотиви ҳақида Қўчқаров О.....	169
32 Жаҳон тилшунослигида диний функционал услубнинг ўрганилиши Юсупова Ш.Т.....	173
33 Жек лондоннинг исёнчи асарларидаги воқеаликни тасвирлаш хусусиятлари Najmiddinov J, Bahodirov A.....	179
34 Johann Wolfgang Gytoring "Yosh Verterning iztiroblari" romanida poetonimlar talqini Vozorova R.Sh.....	182
35 "Алпомиш" библионими ва бош тимсол исми, лақаби хусусида Улуқов Н, Юнусова Б.....	186
36 Наманган қипчоқ шевалари ва этнослараро жараёнлар Дарвишов И.Ў.....	190
37 Grammatik ko'rsatkichlarning o'zlashtirilishida aniqlik darajasi (O'zbek tilini o'rganayotgan koreyslar misolida) Saidaxmedova O.I.....	197
38 Перевод понятий означающие национальных конвенций, традиций и обряд Самандаров . Ш.С.....	202
39 Принцип вежливости в речевом общении. Саидова М.Ш, Холматова Г.И.....	205
40 Адабиёт ва прагматика Раҳимов У.Э, Махаммаджлонов Н.Д.....	209
41 Хикматли сўзлар таржимасида қофияни сақлаш Абдуллажанов А, Мамадалиев Э.....	214
<b>ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ</b>	
<b>11.00.00 ГЕОГРАФИЧЕСКИЕ НАУКИ</b>	
<b>GEOGRAPHICAL SCIENCES</b>	
42 Фарғона водийси дарёлари оқимининг иқлим илишига реакцияси Солиев И.Р., Ғулумжонов Д.....	219
<b>ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ</b>	
<b>13.00.00 ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ НАУКИ</b>	
<b>PEDAGOGICAL SCIENCES</b>	
43 Готовность будищих педогогов как основной фактор успешности инклюзивного образования Сатторов М, А.....	225

44	Педагогик стратегия - олий таълим муассасаси битирувчисининг рақобатбардошлигини шакллантиришнинг концептуал асоси Эргашев Б.Б.....	229
45	Таълимда ахборот коммуникацион технологияларидан фойдаланиш афзалликлари Ниязова Н.А.....	234
46	Олий таълим муассасалари ўқув-тарбия жараёнида фанларичра ва фанлараро интеграциясини таъминлашнинг педагогик-психологик масалалари Жуманов А.А.....	237
47	Мактабгача таълим ташкилотларини инновацион ривожлантириш муаммолари Абдуназарова Н.Ф, Хамдамова М.Т, Парманов Ж.А.....	242
48	Физика ўқитувчиларининг таълимга инновацион ёндашуви Бекназаров З.Ф.....	245
49	Тухника йўналишиндаги мутахассис компетентлигининг модели Даминов О.О.....	250
50	Олий таълим муассасаларида замонавий инновацион технологияларини қўллашнинг ўзига хослиги ва хусусиятлари Исмаилова З.К, Химматалиев Д.О.....	257
51	To actual directions of development of export of fruit and vegetable products in Uzbekistan Avulchaeva F.....	261
52	The significance of cultural awareness in second language learners' classroom Umirzakova D.A.....	264
53	Boshlang'ich sinf o'quvchilarini kommunikativ kompetensiyasini shakllantirish yo'llari Jo'rayeva T.U, Shamirova Y.K .....	268
54	Role of peer observation in foreign language teaching Jalolov Sherali, Botirova Z.X.....	274
55	Ingliz tilni o'rgatishda mnemonik usullardan foydalanish Yunusova Y.B.....	278
56	Талаба ёшлар соғлом турмуш тарзини шакллантириш масаласига қадрият сифатида қарашни тарбиялаш муаммолари Назаров А.Т.....	281
57	“Олий таълим муассасалари ўқув–жисмоний машғулотлар жараёнини ташкиллаштиришда blended learning концепциясидан фойдаланиш орқали таълим сифатини ошириш” Махкамов А.Ю.....	284
58	Ўқувчиларнинг геометриядан ўқув фаолиятини фузионизм ғояси асосида такомиллаштириш йўллари Ғойибназарова Г.Н, Джураева Ш.К.....	288
59	Мактабгача таълим муассасаларини сифат жиҳатдан такомиллаштириш Ибрагимова Г.Н.....	293
60	8-синф физика курсининг “электр заряд. электр майдон” бобини ўқитиш Зоҳидов И.О, Каримова Р.К, Умаров А.О.....	298

61	Таркибида сирт фаол модда тутган учкарбамид хлорат натрий дефолиантини олиш жараёнини ўрганиш Умиров Ф.Э, Худойбердиев Ф.И, Номозова Г.Р, Закиров Б.С.....	303
62	Ижтимоий-эмоционал кўникмалар шаклланишининг педагогик-психологик омиллари Раҳимова М.А.....	311
63	Ҳамкорлик педагогикасининг узлуксиз таълим тизимидаги инсонпарварлашув хусусиятлари Ўринова Ф.Ў, Усмонова Ш.Ё.....	317
64	Чақириққача ҳарбий таълим бўйича мутахассисларни шакллантиришнинг долзарб масалалари Хасанов А.Т, Юсупов Т.Т.....	323
65	Мобиллик-олий педагогик таълимни модернизация қилиш сифатида Эшназарова М.Ю.....	327
66	Бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларида касбий муҳим сифатларни шакллантириш педагогик жиҳатлари Қодиров М.М.....	332
67	Бошланғич таълимда прагматик ёндашув асосида матн ўқишнинг ўзига хос хусусиятлари Йўлдашева Д, Буважонова М.....	338
68	Бошланғич таълимда интеграциялашган ўқитишнинг аҳамияти Рустамова Д.....	341
69	Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларни нутқ маданиятини шакллантиришда китоб ва унинг аҳамияти Ўринова Ф, Сидикова З.....	344
70	Технология использование метода кейс-стади при изучении компьютерной графики. Отабаева Ф.Т.....	348
71	Pedagogik tajribalarni to'plash va ommalashtirish tizimi Mo'minova G, Insarova G,.....	355
72	Талабаларнинг мустақил таълим фаолиятини ривожлантириш- ўқув жараёнининг асоси Мўминов З.О.....	359
73	Innovatsiya ta'limning muhim elementidir. Madaminov F.Sh.....	367
74	Intellectual kompyuter o'yinlari yordamida individual matematik ta'limni yo'lga qo'yish Najmiddinova . N.Y.....	373
75	Футболчиларни эмоционал ҳолатларини аниқлашнинг методик хусусиятлари Сатиев Ш.К .....	378
76	Бўлажак ўқитувчиларнинг мустақил фикрлаш маданиятини ривожлантириш моделини такомиллаштириш. Қамбаров М.М .....	384

77	Содержание и структура учебников по методике обучения языкам Габдулхаков, Фарид Ахунович.....	391
	<b>ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ</b> <b>ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ</b> <b>PSYCHOLOGICAL SCIENCES</b>	
	<b>19.00.00</b>	
78	Оилада болаларнинг ижтимоий- ахлоқий сифатларини шакллантириш омиллари Ортиқова З.Н.....	395
	<b>СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ</b> <b>СОЦИОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ</b> <b>SOCIOLOGICAL SCIENCES</b>	
	<b>22.00.00</b>	
79	Маънавий тарбия ва тарихий онг Махкамов Қ.О.....	398